




ХАБАРАТ

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 3 avgust №31 (464)

Sotuvda narxi erkin



Тошкент почтамти.

Т.ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

Шу йилнинг 7 июн куни Жиззах шаҳридаги 14-алоқа бўлимида "Жиззах почтаси" акциядорлик жамияти директори Илҳом Саидмирзаев билан учрашув бўлажаги ҳақида эълон қилинди. Эшвизка омонатини олиб қўйилган эълонини ўқиб, катта бошиқини одамлар тушиликчача интизорлик билан кутинди. Аммо директордан дарак бўлмади. Ҳатто келмаганига яраша, одамларнинг ҳурмати учун лоақал ўринбосарини ҳам у ерга жўнатмади.

Рости, бошиқ учрашувга бормай яқин қолди. Борганида у ердаги муаммо камчиликлар ҳақида таънали гапларини эшитавериб бермай яқин қолди. Борганида у ердаги муаммо камчиликлар ҳақида таънали гапларини эшитавериб бермай яқин қолди.

ДИРЕКТОРГА СОҒЛИК КЕРАК

Биз яқинда вилоятда бўлиб, Илҳом Саидмирзаев билан учрашдик. У бошиқини иш билан Тошкентга кетаётганини айтиб, бизга ўринбосарини рўпара қилди-да, хайрланди:

— Ишларимиз яқин. Керакли фактларини ўринбосарим Ҳасан Алибоев сизга айтиб беради.

Шундай қилиб, директорнинг учрашувига нима учун боролмаганини ҳам сўрай олмади қолдик. Ишлар ҳам у кунини айтганидай "яқин" эмас экан.

Учрашув ўтказилиши мўлжалланган ўша 14-алоқа бўлимида эса ишлар ўзда-жўлда. Алоқа бўлими бошлиғи Н. Умватов мутахассислиги бўйича қурувчи-муҳандис бўлгани боғлиқ, алоқа ишидан кўпма хабарини йўқ экан. Шундай бўлсада, у бир неча йилдан буён бўлимини номинатинга боқаршипти. Бўлим бошлиқларининг кўпчилиги етарли мадакага эга эмас, мутахассислиги ҳам, соҳага мос келмайти. 16-алоқа бўлими бошлиғи Г. Пўлатова кунига бўлим учун қанча газета-журнал олаётганини билмайти ҳатто. Ҳатто эшиқни қўйиб қанча нафақачи, урун ва меҳнат фахрийлари, уларга тенглаштирилганлар ва ноғиронлар борлигини билмайтидан бошлиқдан нима ҳам кутини мум-

кин? Бўлимларда арза ва шикоятларни қайд этадиган дафтар ҳам йўқ экан. Ваҳоланки, бу ерда арзани кимга айтишни билмай юрганлар кўшлаб топилди.

Шаҳардаги 12-алоқа бўлими бошлиғи Г. Жумановнинг айтишича, газета, хат-хабарлар бўлимларга тушдан кейин етказиб берилади. Кечиктириб ана шундан бошланади. "Иттифоқ" маҳалласида яшовчи муштариёлардан бири "Джиззакская правда"га обуна бўлганини, аммо уни вақтида ололмаётганидан зорланди. Алоқа бўлими ходимлари унга: "Газета кам келди" деган бахонани рўқач қилишини. Биз вило-

• Бизга айтганининг захри йўқ

ятдаги ҳисоб рақамига бирданга ўтказини мумкин эмас эмши. Буларнинг ҳаммаси почта хизматида ҳисоб-китоб ишлари дуруст талқил этилмаганидан дарак берди. Оқибатда бу ерда хато ва нуқсонлар бисёр.

Тахририятта борганимизда "Жиззах ҳақиқати" газетасининг 13 июн сонини ўқиб қолдик. Унда "Жиззах почтаси" акционерлик жамияти директори Илҳом Саидмирзаевга оғиқ хат эълон қилинган экан. "Чопмас отта қамчи хайф" деб номланган бу танқидий мақолада почта хизмати-

даги муаммолар, нуқсон ва камчиликлар рўй-рост очиб ташланибди.

Директорнинг бош уялмай-нетмай "ишмий яқин" деганига хайрон қолдик. Наҳотки вилоятда почта хизмати давр талаби даражасида эмаслиги, хизмат маданияти етишмаслиги унга ҳали ҳам қоронғи бўлса?.. Изланувчанлик, ташаббускорлик йўқ жойда ишлар ҳеч қачон яқин бўлмайти. Шу ўринда "бошлиқ"қа икки оғиқ сўзимиз бор:

Хурматли Илҳом Саиднасиминов! Уша кунини сиз билан бироз суҳбатлашганимиз имкони бўлмаганидан афсусландим. Аслида учрашувга бормай "тўғри" қилганимизни ўзингиздан эшитсақ яқин бўларди. У ерда сизни хурсанд қилиб жўнатмасликларини олдиндан пайқатганимиз ўзинга хоёқ иқтидорингиздан дарак бериб турибди.

Аслигинизни бузиш сизга зарил қилибдими? Имкони бўлса бундан кейин ҳам ана шунанга "кўнглисиз" учранувларга бориб юрмаң. Сиз ҳали ёнбасиз, келажакнинг норлоқ. Ҳатто камол топганингиз учун эса сизга мустаҳкам соғлиқ жуذا-жуذا зарур бўлади ҳали. "Арзиманган" иш деб асло уни йўқотманг, ишми!

Ўткир САИДОВ

МУСТАҚИЛЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

1. Мустақиллик байрамининг 10 йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Утган вақт мобайнида рўй берган қайси воқеалар, ўзгаришларни муҳим деб ҳисоблайсиз?
2. Сизнингча, ҳар бир фуқаро, жумладан, ўзингиз мустақилликни мустаҳкамлаш учун қандай ҳисса қўша олашингиз мумкин?

Америкадаги алоқа хизматининг нақадар ривожланганини, самолёт ва кемаларда бемалол Кўҳон билан гаплашилгани, бизда эса ҳатто шаҳар ичида ҳам кўнглидагидек гаплашиш қийинлиги ҳақида фикр билдирилган эди. Ана шундай очиқ, аммо аччиқ айтилган гаплар мени аниқ мақсадга бошлади. 1994 йили нафақат республикада, балки барча қўшни мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб дунё талабларига жавоб бера оладиган техника жиҳозларини жорий этдик ва мақсадга эришдик. Бу менинг ҳаётимдаги унутилмас кунлардан бири бўлиб қолди.

А. ЖҲРАБОВЕВ, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бош директори.

1. Тақдир тақозоси билан 25 ёшимдан то шу кунга қадар турли раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилиб келиман. Бу ўтган даврда турли хил воқеалар шоҳиди бўлдим ва иш юзасидан кўпгина раҳбарлар билан мулоқотда бўлдим.

Совет тузуми даврида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган барча техника жиҳозлари жаҳон талаблари даражасида бўлмаса-да, чет эл технологияси бизга киритилмас эди ва бунинг нотиқлигини раҳбарларга тушунтириб ҳам бўлмасди.

Республикамизнинг мустақиллик йилларида ўтган ҳар бир кунини менга худди тушдек туюлади. Давлатимиз байроғи халқаро танқидларга, чет мамлакатларда қилпираб туришининг ўзи энг муҳим воқеа эмасми?

Мустақилликнинг дастлабки йиллари Кўҳонлик бир талбиркорнинг Америкага қилган саёҳати тўғрисида матбуотда бир мақола эълон қилинганди. Унда

Америкадаги алоқа хизматининг нақадар ривожланганини, самолёт ва кемаларда бемалол Кўҳон билан гаплашилгани, бизда эса ҳатто шаҳар ичида ҳам кўнглидагидек гаплашиш қийинлиги ҳақида фикр билдирилган эди. Ана шундай очиқ, аммо аччиқ айтилган гаплар мени аниқ мақсадга бошлади. 1994 йили нафақат республикада, балки барча қўшни мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб дунё талабларига жавоб бера оладиган техника жиҳозларини жорий этдик ва мақсадга эришдик. Бу менинг ҳаётимдаги унутилмас кунлардан бири бўлиб қолди.

2. Ўтган мана шу қисқагина муддат биз учун ислохотлар даври бўлди. Жуذا мураккаб ва сермазмун жараёни бошлан кечиряптимиз. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтганим бўлсам, шу йиллар мобайнида озми-кўпми хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйдим. Бундан буён ана шу ҳаётий ҳулосалардан сабоқ чиқариб, юртим равақига ва мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун бутун куч қайратим, билимимни сарфлайман. Республикаимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга фарзандларим, ака-укаларим, дўстларим ва ҳамкасбларимни ҳам давлат этаман. Бу менинг овоз Ватаним олдидаги фарзандлик бурчим бўлади.

И. АҲМЕДОВ ёзиб олди

ҲИСОБОТ КЕНГАШИ

"Фарғона почтаси" акциядорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшма қўмитаси ўрласида 2000-2002 йиллар учун тузилган "Жамоа шартнома"сининг 2001 йил биринчи ярмида бажарилиши бўйича ҳисобот кенгаши бўлиб ўтди. Унда "Жамоа шартнома"сининг бажарилишидаги ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар ҳақида сўз юритилди.

Йиғилишда Республика алоқа ходимлари қасаба уюшмаси маркази қўмитаси раиси Т. Назаржонов, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош ди-

ректори вазифини бажарувчиси Қ. Тўлбоев, "Фарғона почтаси" акциядорлик жамияти директори Н. Қаримовлар маъруза қилиши. Улар почта алоқасининг қўшимча янги хизмат турлари ва замонавий хизмат кўрсатиш маданияти ҳамда почта алоқаси иш жараёنларини тақомиллаштириш, илчи-ҳодимларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳусусида фикр билдириши.

У. ИСКАНДАРОВ, Фарғона вилояти

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР

• Матбуотда "Иккинчи қақирқ" Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясини қақирқ тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори" эълон қилинди.

• Мамлакатимизда ўн тўртта сайлов округида бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди.

• Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе телевидение орқали халққа мурожаат қилиб, танқилик тележурналист Григорий Сананиннинг қотиллари ўз жазосини олади, дея ишонтирди.

• АҚШнинг собиқ Президенти Жимми Картер Жорж Бушнинг ҳафсизлик ва ташқи сиёсат йўналишидаги хатти-ҳаракатларини танқид қилди.

• Непал кироли Гьяендра Бош вазир Баҳодиристох раҳбарлигидаги ҳукуматнинг янги таркибини тасдиқлади. Баҳодиристох ўз лавозимини икром этишдан ташқари мудофаа ва ташқи ишлар вазириликларини ҳам бошқаради.

• Японияда Парламентнинг иккунчи палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда сайловда ҳукмрон ҳукумат коалицияси галабага эришти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодан стурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотларни узатиш

частота ташкилотлари санитария меъёрларига мувофиқлиги текширилди. Операторларнинг уяли

хисоботлари ўз вақтида тақдим этилмаган. Базавий станцияларни қуриш лойиҳа-смета ҳужжатлари-

кўрсатганлиги учун моддий ва маънавий жавобгарлиги кўрсатилмаганлиги маълум бўлди. Умуман, уяли алоқа

ЛИЦЕНЗИЯ КЕЛИШУВЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

самарадорлигини ошириш юзасидан кўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарорига биноан лицензия олувчи билан тузиладиган келишувларни текшириш, шартларнинг бажарилишини назорат қилиш Давлат алоқа инспекциясига (ДАИ) юклатилган. Худди шу инспекция тасдиқланган текширув дастурига биноан олтига уяли алоқа тармоғи операторлари фаолияти кўриб чиқилди. Асосий эътибор Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига бевосита тааллуқли бўлган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар асосидаги лицензия келишувлари операторлар томонидан қандай бажарилаётганлигига қаратилди. Хусусан, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат мезонларига, радиоэлектрон воситаларини лойиҳалаш, ишлатиш меъёрлари ва қондаларига амал қилиниши, уяли алоқа тармоқларида сертификатланган воситалардангана фойдаланиш, радиоэлектрон воситалари тўлқин тарқатиш даражасининг радио-

алоқа тармоқларини янада кенгайтириш ва замонавийлаштириш борасидаги бизнес режалари ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтказилган текширув натижаларига кўра уяли алоқа операторларига қатор камчиликлари кўрсатилиб, тегишли фармойишлар берилди. Жумладан, "Ўздунробита" кўшма корхонасининг баъзи хисоботлари ўз вақтида тақдим этмаётгани, текширилган пайтда лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича эксперт хулосалари йўқлиги, баъзи узатиш станцияларда тўлқин тарқатиш даражаси СЭС томонидан ўлчанганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилди. "ДАЕВОО" шўъба корхонаси эса уяли алоқанинг айрини сертификатланмаган воситалардан фойдаланган, 1997-99 йилларда бизнес режадан анчагина орқада қолган. Ўзбекистон Республикасининг "Реклама ҳақида"ги қонун талаблари бузилган. "COSCOM" кўшма корхонасининг баъзи статистик

нинг эксперт хулосалари ва СЭС санитария меъёрларига мувофиқлиги ҳақидаги баённомалар бўлмаган. "Бузел" чет эл корхонаси бизнес режани бажармаган, кўчмас уяли алоқа лицензияси бўйича фаолият бошламаганлиги сабабли 2000 йилнинг 1 ноябридан кўчмас алоқа лицензиясини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. "ЎЗМАКОМ" кўшма корхонасига ҳам фойдаланаётган воситалар сертификатлари йўқлиги, бизнес-режаларининг бажарилмаганлиги эслатиб ўтилди. Лицензия комиссиясининг қарорига кўра халқаро телефон линияларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш ишлари ҳали бошланмаганлиги сабабли, берилган лицензия 2000 йилнинг 1 ноябридан бекор қилинди. "Rubicon wireless communications" кўшма корхонаси текширилганда бизнес-режаларининг бажарилмаганлиги, миқозлар билан тузилган шартномаларда хўжалик юритувчи субъектининг сифатсиз хизмат

операторлари фаолиятининг режа асосидаги текширув натижаларини жамлаб, қуйидагиларни қайд этиш мумкин:
- Ўзбекистон уяли алоқа бозори тўла эркинлаштирилган бўлиб, операторлар ўртасида нисбатан юқори рақобат мавжуд;
- Уяли алоқа хизматининг ривожланиш суръатлари бошқа алоқа хизматларига нисбатан анча юқори;
- Кўпчилик операторлар халқаро роумингни таъминламоқдалар ва уни кенгайтириш борасида фаол иш олиб бормоқдалар;
- Кўрсатилаётган хизмат сифати сезиларли даражада яхшилانган. Хусусан, халқаро ва маҳаллий телефон тармоқларига чиқишдаги йўқотишлар фоизи камайган;
- Уяли алоқа операторлари лойиҳа-смета ҳужжатларини асосан мувофиқлаштирилган ва операторлар сертификат синовларидан ўтган техника воситаларидан фойдаланмоқдалар.
Ўзбекистон телекоммуникация бозорида уяли алоқа операторлари фаолиятини яхшилаш учун қуйидагилар-

● Таҳлил

ни бажариш лозим:
1. Лицензияларни амалдаги тартиб асосида бериш чоғида Агентлик томонидан лицензия олувчилар ишини бошқариш механизмини, миқозлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминловчи моддаларни киритиш ва иш юритувчи барча субъектларнинг бир меъёردа ривожланишини ҳисобга олиш;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Транспорт ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига уяли алоқа операторларининг давлат божини тўлашлари хусусида айрим ўзгариш ва кўшимчалар киритиш;
3. Электромагнит мослашуви муаммосини яхшилаш мақсадида уяли алоқа операторлари ўртасида миллий роуминг шартларини белгилаш;
4. ДАИ инспекторлари малакасини ошириш йўли билан уяли алоқа операторлари фаолиятини текшириш сифатини янада яхшилаш.
Х. СОАТОВ,
Агентликнинг лицензиялаш, сертификатлаш ва стандартлаш бўлими бошлиғи

"Тошкент Таксофони" АЖнинг 2000 йил учун БАЛАНСИ

Баланс (минг сўм)			
Актив		Пассив	
1. Узоқ муддатли активлар	18548	1. Хусусий маблағлар	19609
2. Айланма активлар	19955	2. Мажбуриятлар	18894
		шу жумладан узоқ муддатли пассивлар	5741
Баланс	38503		38503

Хисобот давридаги соф фойдаси 7140 минг сўм.
"Тошкент таксофони" акционерлик жамиятининг 2000 йилдаги молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил, 18 октябрда 391-сонли лицензиясини олган "Audit-RUMIS" аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган. Аудиторнинг 00282 рақамли малака сертификати 2000 йил, 27 декабрда берилган.

"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" акциядорлик жамиятининг 1999 йилдаги БАЛАНСИ

	Актив	Пассив
Кўрсаткичлар номи		
Устав капитали		4550067
Кўшилган капитал		443964
Резерв капитал		2103913
Асосий фондлар	6861001	
Заҳиралар	207890	
Пул маблағлари	176004	
Дебитор қарздорлик	508159	
Қиска муддатли мажбуриятлар		
Узоқ муддатли мажбуриятлар		
Бошқа активлар ва пассивлар	300741	955851
Жами	8053795	8053795

1999 йил учун ҳаммаси бўлиб даромадлар 6267090 минг сўм, харажатлар эса 3647010 минг сўм ва корхонанинг соф даромади 88105 минг сўмни ташкил этди.
Баланс кўрсаткичларининг тўғрилиги "Аломат-Аудит" фирмасининг хулосаси билан тасдиқланган (1996 йил, 31 октябр 210 лицензия).

"O'zimpeksaloqa" акциядорлик жамияти

2001 йил, 3 август кuni соат 10.00 да акциядорларнинг навбатдаги умумий ййғилиши Тошкент шаҳар, А. Темур кўчаси, 24-уйда ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. "Ўзимпексалоқа" АЖнинг меҳнат жамоаси улушини камайитириш тўғрисида.
2. Акциядорлик жамияти уставига ва проспек эмиссиясига ўзгаришлар киритиш.



Қарши шаҳарлараро телефон станцияси коммутатор цехининг катта телефончиси Салимахон ХАЛИМОВА буюртамачиларнинг узогини яқин қилиш учун астойдил хизмат қилмоқда.

Т.ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН "Ўзбекистон почтаси" Давлат акциядорлик компанияси "Почта маркаси" ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Танловни ўтказиш муддати: 2001 йил 15 августгача.
Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги соволларга жавоб йўллаши лозим:
1. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи почта маркаси чиқарилган сана ва унда акс эттирилган мавзу.
2. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунига бағишлаб чиқарилган почта маркаларининг санаси ва сюжети.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоғи учун теннис бўйича Халқаро мусобақаларга бағишлаб чиқарилган биринчи почта маркасининг санаси ва сюжети.
Фойиблар қуйидаги миқдордаги қимматли совғалар билан тақдирланадилар:
Биринчи соврин - 50000 сўм;
Иккинчи соврин - 30000 сўм;
Учинчи соврин - 20000 сўм.
Тўғри жавоб йўллаганлар 2001 йил, 25 август, соат 10.00 да "Тошкент почтамати" биносининг операцион залида бўладиган мусобақа-танловда иштирок этишади.
Хатлар қуйидаги манзилга юборилишини сўраймиз: Тошкент шаҳар, 700000, А. Тўқай кўчаси, 7 уй "Почта маркаси" танловига.
Танлов якунлари "Хавар" газетасида эълон қилинади.
Мурожаат учун телефонлар: 133-91-50; 136-01-89.

РИКЛАЙМИЗ

"Сирдарё Телеком" акциядорлик жамияти жамоаси корхона бош директори Соҳиб УМАРОВни 55 ёши билан чин дилдан табриқлайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, алоқа соҳасидаги ишларида зафарлар тилаб қолади.

"Андижон Телеком" акциядорлик жамияти, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси жамоалари Олтинкўл филиали бош муҳандиси Тошўлат АБДУНАЗАРОВ ва Кўронтена филиали техникни Назиржон МИРЗАЕВларни 50 ёшга тўлишлари муносабати билан кизғин табриқлайди. Уларга мустақкам соғлик, ишларида катта муваффақият ва оилавий бахт тилайди.

"Бухоро почтаси" акционерлик жамияти жамоаси корхонанинг кадрлар бўлими бошлиғи Шоира ИСМОИЛОВА-НИНГ туғилган кuni билан чин юракдан табриқлайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида омад тилаб қолади.

Она бўлишлик буюк бир неъмату назирсиз бир шарафдир. Фақат бундай мартабага муносиб бўлувчилар оналик вазифаларини ва хотинлик хизматларини ўрнига қўйсаларгина сазовор бўладилар. Дин заруратларини англаш бола тарбиялаш усулини билмок, оз бўлса-да, ўқишга ва ёзишга ўрганмок, лозим ишларини ҳамда яхши ва ёмон хулқлардан хабардор бўлмок хотинларнинг вазифаларига кирди.

Бола тарбияси ҳифзи сихҳату илми ахлоқ, шариат қондаларидан кўп нарсалар билишга ва кўп тажрибалар ҳосил қилишга зарурат бўлганидан қисқача бўлса ҳам бу нарсалар ҳақида бир қадар маълумот бериш ва шу маълумотни кундан-кунга орттириб боришга тиришмоклик хотинлар зиммасидаги вазифалардандир. Болани эртароқ ухлатиш, заруратга қараб ювинтириш, кийимлари ва танасини пок тутиш, гўзал хулқларга одатлантириш, атак-чечак қилишидан бошлаб то тили чиққунга қадар алоҳида эътибор бериш лозим.

Бола тарбияси шомша-шошарликда эмас, балки сабр-тоқат, меҳрибонлик, шафқату сезгирлик ила бўлиши керак. Бундан эса болани тизинисиз ҳайвон каби ўз ҳолига қўйиш лозим деган маъно чиқмайди. Зарар билан фойдани айира олмаган ёш гўдакни назоратсиз қолдириш катта хатоликдир. Балки уни адолат билан тарбия қилмок керакдир.

Онасининг буйруқларига жазао ёки тапбехдан кўрқиб эмас, балки бу хурматли ҳомиясига ишонмоғи-ю комил меҳр сабабидан

итоат этган бола адолат билан тарбияланган бўлади. Ота-онага итоатни, динга ҳурматни, туғишган қариндош-уруғлар, яқин-йироқ

этноқни ва кичикларга марҳаматли бўлмокни ўргатмок, кўнглидан ҳасаду душманлик, такаббурлик, нийбат ва ёлгон сўйламок каби бузуқлик зираччаларини чиқариб, улар ўрнига Аллох муҳаббатно сабот, иқтисо-

• Мерос

БОЛА ТАРБИЯСИ ВА ХОТИН

ҳамда алу юрт, халқини севишни, ҳар бир катта-ю кичик билан яхши муомалали бўлишни болаларнинг қонларига сўт билан бирга сингдирик лозим.

Бу каби ишлар ота ҳамда яқин қариндошлар зиммасида бўлса-да, аммо асосий масъулият хотинлар зиммасига тушади.

Алломалардан бири: "ҳар бир хотиннинг ақллигини билмокчи бўлсангиз, унинг қўл остидаги болаларига боқинг!", деган экан. Кўчада ёки баъзи уйларга борган вақтимизда фаришта каби маъсуму кўнглиларимизни ром қилган тарбияли болаларга дуч келганимиз каби тарбиясизларини ҳам кўраимиз. Бундай тарбиясиз болалар кўнглиларини нақадар хира қиладди. Буларнинг бадбахт бўлишларига оналарнинг ҳам ёмон тарбиялари сабаб бўлганлиги хотирамизга келганда ҳасратимиз янада ортади.

Ҳар бир сўраган нарсасини (айниқса йиллаб сўраган вақтида) бериш, ҳаддан ташқари талтайтираб ўстириш, ҳар бир қилишни мактаб туриш, зийнатли нарсалар кийишга, ҳар вақт лаззатли таомлар ейишга одатлантириш бола хулқини бузадиган сабаблардир.

Болага ялқовликнинг ёмон иллат эканини тушунтирмок, нитилиш ва гайратнинг камолот эканини билдирик, ўзидан улугларни хурмат

ду адолат уруғларини сочмок боланинг гўзал хулқ-атворили бўлмоғига сабабдир.

Хотинлар кўп ҳолларда болаларининг хушхулқ ва тарбияли бўлишларини оруз этганлари ҳолда, тарбия усулидан хабарсиз бўлганларидан нуридийдаларини бўлган болаларига ёмон таълим бериурлар. Чунки таълим болаларга: "ундай бўлинг, бундай бўлинг!" деб буюриш ва ёмонликдан тийиш билан чегаралаб қўйишигина эмас, балки улугларнинг барча ҳаракатлари орқали ёшларга дарс беришдан иборатдир. Фель-автор билан таъсир кўрсатиш тил билан айтиладиган дарсларга нисбатан таъсирлироқ бўлади.

Гарчи бир хотин боласига тили билан гўзал нарсалар ўргатса-да, фельи ёмон бўлса, у ёмон хулқ ўргатувчи саналур. Зеро, ёш болалар ота-оналаридан кўрган нарсаларга тақлид этадилар. Ота-онанинг хулқлари болалар учун мисоли табиат ҳукмидадир. Болалар кўз ўнгида ёмон ва ноҳужа ишларини қилиш, уларга ҳам ўшандай ишларини қилишга ўргатмокнинг ўзидир. Мастлик аравасига чиқиб олиб боласига от жилвоини тупказиб, бозордан қайтиб келувчи ота жонсиз ёроч каби ҳаракатсиз бўлса-да, боласига: "Эй, болам! Мен каби, ичмлик ичмакни одат қил! Бу дунёга келиб ёр-

биродарларим орасида шарафли бир касбга эга бўла олмаганим каби, сен ҳам бадбахт ўлароқ умр кечир!" дея ахлоқсизликни ўргатади. Ёмон хулқлар отадан ўнгилга ушиб сабаблар билан мерос қолур. Бир-бирининг хурматини бажо келтирмаган ота-оналарнинг фарзандлари ҳам ҳеч кимни хурмат этмайдилар. Зеро, улар бу ёмон амалини ўз ота-оналаридан ўрганадилар.

Агарда бир ота болалари кўз ўнгида аёлига қўл кўтарса ёки онаси эрига қараб бақирса, болалари қошида буларнинг хурматлари, қадрлари қолмас.

Маърифатли оналар, диндору нисофли хотинлар тарафидан тарбияланган болалар гўзал хулқли, гайратли, тўғри фикрли-ю соғ танли, турли хайрли ишларга тайёр бўладилар. Пешоналарига ҳам: "Бизлар келажакнинг оталари, миллатнинг ҳомийи ва ҳодимларимиз. Жаноби Аллох бизга доимо ёрдамчи бўлур", дея ёзилгандир.

Аёл — она тарбиясидан маҳрум бўлиб қолган болалар кўпича ҳар турли бузуқликларга мойил, бадфель одамлар бўладилар. Улар олим бўлсалар ҳам чин олим бўлмаганлари билан бирга тулқига ўхшаб хийлагару риёкор, олчоғу хушомадўй, савдогарлари эса ёлгончи-ю хиёнаткор, бойлари бахилу бойликларини сафоҳатта сарф этувчи, факирлари такаббур, ёлгон бўлган ерда шаҳодат берувчи, шогирдлари хунарсизу ахлоқсиз, хотинлари аҳмоғу идора қилиб бўлмайдиган, улуглари шафқатсизу, кичиклари итоатсиз бўлурлар.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУҲАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИКАДИ

Тахририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2739.
4805 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

ОҢИНГ. ҚИЗИК

Яхудиелардан бири иштихон қилиб кўриш учун Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ёшларига келди ва қўлидаги таомни кўрсатиб:
— Эй Исом Пайғамбари, бу менинг ризқимми? — деб сўради.
Яхудий "ҳа" жавобини олиши билан қўлидаги емакни отмокчи, рад жавобини олса, шу заҳоти-оғзига солмокчи эди. Буни билиб турган Сарвари Олам ҳеч иккиланмасдан жавоб бердилар:
— Есанг, Ризқингдир!

Дунё неъматларига аҳамият бермайдиган, ўзини жуда камтар тутадиган буюк Исом олимларидан бири, фақат бир киши ўтиши мумкин бўлган тор йўлакда, ўзига бино қўйган шаҳарнинг катта бойларидан бири билан тўқнаш келибди. Қорни кажавадай келадиган бой:

— Мен бир девонага йўл бериб четта чиқмайман! — деб пишқирди. Ҳалиги олим киши йўл берар экан, гоят сокин оҳангда дебди:

— Мен эса йўл бераман!

Бир бой давлатмадлингидан керилиб, шайхга дебди:
— Сизга қанча пулу олгин керак бўлса, мана мендан сўранг!
— Йўқ, — дебди шайх. — Мен қулимнинг қулдан нарса сўрамайман!

— Ие, қанақасига сизга қул бўлай? — даргазаб бўлибди бой. Шайх жавоб берди:

— Нафс менинг қулим, сен эса нафсинг қулсан!..



Беғубор болалик.

"Хавар" газетаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистон халқ шоири
Мухаммад ЮСУФнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиради.

Электромангит мослашув маркази жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси қорхонанинг радионазорат хизмати етакчи муҳандиси
Равшан ИСРОИЛОВнинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Андижон радиотелевизион тарқатиш маркази жамоаси қорхона бош муҳандиси Вячеслав Абдуллаевга онаси
Ольга НИКОЛАЕВНАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Самарқанд почтаси» АЖнинг Нуробод филиали жамоаси Саҳоба алоқа бўлими бошлиғи А.Сатторовга кизи
Уролтош САТТОРОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ҲИКМАТЛАР

- **Иззат-хурмат ота ва онани, шунингдек, болаларни халқ кўршқлаб турувчи посбондир; у ота-онани кулфат ва аамдан, болаларни эса биждон азобидан қутқаради.**
- **Кишининг касб-хунари ўрганилай, беҳуда йўллароа умр ўтказиши айбдир. Доношмандлардан бири айтади:**
- Ҳар бир ишда муваффақият ҳаракат ва савби гайрат орқасида ҳосил бўлади. Касб-хунари бўлмаган киши тўқ бўлмайди.
- **Илм ҳеч тўқолмайдиған буюк ҳазина, ақл эскирмайдиған янги либосдир.**
- **Тўрт нарса тўрт нарсага: обрў — одобга, шодлик — хотиржалликка, дўстлик — муҳаббатга, ақл — тажрибага муқтождир.**